

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ
ФАНИДАН ТЕСТЛАР ТЎПЛАМИ**

**ТОШКЕНТ
“IQTISOD-MOLIYA”
2006**

Тузувчилар: Исломов А, Эгамов А, Ахмедов Х, Асатуллаев Х, Жабборова Ж. Иқтисодий таълимотлар тарихи фанидан тестлар тўплами. Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2006. 40 бет.

Ушбу тўпламга киритилган тест ва саволномалар “Иқтисодий таълимотлар тарихи” фанининг амалда қўлланиб келаётган дастури асосида ишлаб чиқилди. Ундаги тест саволлари ҳар бир мавзу бўйича алоҳида тузилган бўлиб, ушбу мавзуда акс эттирилган иқтисодий фикр, ғоя ва назарияларнинг моҳиятини чуқур тушунишга ёрдам беради.

Тест ва саволномалар талабаларда назарий хулосаларни амалиёт билан боғлаш янгича фикрлаш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш зарурлиги ҳамда жорий, оралик ва якуний назорат ўтказиш талабларини ҳисобга олган ҳолда тузилди.

Мазкур тестлар тўпамидан “Иқтисодий таълимотлар тарихи” фанидандан ташқари “Иқтисодиёт асослари”, “Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти”, “Микроиқтисод” ва “Макроиқтисод” фанлари бўйича талаба ва ўқувчиларнинг билимларини рейтинг тизими орқали баҳолашда фойдаланиш ҳам мумкин.

Тошкент Молия институти Илмий Кенгаши томонидан чоп этишга тавсия қилинган.

Тақризчилар:

**проф. Шодмонов Ш.
проф. Мироқилов Т.**

1-мавзу. ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ. ҚАДИМГИ ДУНЁДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

1. Иқтисодий таълимотлар тарихи фанининг предмети-бу:

- А) қадимги даврдан бошлаб то ҳозирги кунгача бўлган иқтисодий тафаккур ғояларини ўз ичига олувчи ва бир тарзда амал қилувчи ғояларни ўрганади;
- Б) кенг иқтисодий назария, ғоялар ва тафаккурлар мажмуасидан иборат;
- В) антик даврдаги назария, фикр, қараш, концепция ва иқтисодчилар таълимотини ўз ичига олган ғоявий мажмуадан иборат;
- Г) иқтисодий жараёнларга бўлган иқтисодий қарашлар эволюцияси, иқтисодий ғоя, назарияларнинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади.
- Д) юқоридагиларнинг барчаси.

2. Иқтисодий таълимотлар тарихи фани қуйидаги қайси иқтисодий таҳлил услубларидан фойдаланади:

- А) тарихийлик;
- Б) индукция;
- В) мантиқий абстракция;
- Г) дедукция;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

3. Подшо Хаммурани қонунлари хўжалик фаолиятини тартибга солиб турган:

- А) Қадимги Вавилонияда;
- Б) Қадимги Мисрда;
- В) Қадимги Хитойда;
- Г) Қадимги Хиндистонда;
- Д) Қадимги Римда.

4. Мутафаккирлар кишлоқ хўжалиги иқтисодиётига асосий эътиборини қаратди;

- А) Қадимги Грецияда;
- Б) Қадимги Хитойда;
- В) Қадимги Хиндистонда;
- Г) Қадимги Римда;
- Д) Тўғри жавоб йўқ.

5. Қадимги Дунё иқтисодий фикрларида қандай муносабатлар идеаллаштирилади.

- А) бозор иқтисоди муносабатлари;
- Б) натурал хўжалик муносабатлари;
- В) пул муносабатлари;
- Г) йирик савдо ва судхўрлик ;
- Д) мулкчилик муносабатлари.

6. “Авесто” яратилди.

- А) Қадимги Хиндистонда;
- Б) Қадимги Хитойда;
- В) Қадимги Грецияда;
- Г) Қадимги Ўрта Осиёда;
- Д) Қадимги Мисрда.

7. “Авесто”да илгари сурилган асосий иқтисодий ғоялари бу;

- А) дехқончиликни ривожлантириш ғояси.;
- Б) ўтроқ турмуш тарзини афзалиги ғояси;
- В) кўчманчилик;
- Г) а,б,в ;
- Д) а,б .

8. Қадимги Хиндистоннинг “Ману қонунлари”да илгари суриладиган асосий ғоя, бу;

- А) иш ҳақи тўғрисидаги ғоя;
- Б) Меҳнат тақсимоти тўғрисидаги ғоя;
- В) Бойлик тўғрисидаги ғоя;
- Г) Қиймат тўғрисидаги ғоя;
- Д) Юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

9. “Дехқончилик тўғрисида” трактат қуйидаги қайси Қадимги Дунё олимнинг асосий асарларидан бири ҳисобланади.

- А) Аристотель;
- Б) Катон;
- В) Платон;
- Г) Варрон;
- Д) Ксенофонт.

10. Сюн Цзи фикрича, давлатнинг иқтисодий сиёсатидаги асосий тамойиллар:

- А) сарф харажатларни иқтисод қилиш;
- Б) халқнинг фаровонлигини таъминлаш;
- В) захира бутлигини таъминлаш;
- Г) тежаб-тергаб фойдаланиш;
- Д) юқоридагиларни барчаси тўғри.

11. “Халқлар отаси” тушунчасини дастлаб муомалага киритган мутафаккир;

- А) Аристотель;
- Б) Конфуций;
- В) Платон;
- Г) Катон;
- Д) Аристотель;

12. Илк бор ёзув ижод қилинган:

- А) Қадимги Хитойда;
- Б) Қадимги Ҳиндистонда;
- В) Қадимги Грецияда;
- Г) Қадимги Римда;
- Д) Месопотамияда;

13. Қадимги Римдаги аграр ўзгаришларга раҳбарлик қилган.

- А) Спартак;
- Б) Катон;
- В) Варрон;
- Г) Ака ука Гракхлар;
- Д) Колумелла.

14. Аристотель хрематистика соҳасига киритади:

- А) дехқончилик ва хунармандчиликни;
- Б) судхўрликни;
- В) майда савдони;
- Г) йирик савдо операцияларини;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

15. “Oikonomia” атамасини дастлаб муомалага киритган мутафаккир, бу:

- А) Катон;
- Б) Аристотель;
- В) Ксенофонт;
- Г) Платон;
- Д) Варрон.

16. “Артхашастра” асари яратилган:

- А) Қадимги Хитойда;
- Б) Қадимги Ҳиндистонда;
- В) Қадимги Грецияда;
- Г) Қадимги Римда;
- Д) Ўрта Осиёда.

17. “Давлат” ва “Қонунлар” машҳур социал-иқтисодий асар;

- А) Аристотельнинг;
- Б) Платоннинг;
- В) Ксенофонтнинг;
- Г) Катоннинг;
- Д) Варроннинг.

18. Платоннинг “Идеал давлат”даги уч тоифа кишилар бу;

- А) файласуфлар;
- Б) ҳарбийлар;
- В) ер эгалари, савдогарлар, ҳунармандлар;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

19. “Ғафлатда ётган халқни уйғотиш учун, аввало, унинг тарихини уйғотиш зарур” деган фикрни илгари сурган олим.

- А) Платон ;
- Б) А.Смит;
- В) А. Сенека;
- Г) А. Блаженный;
- Д) С. Каталина.

2 –мавзу. ЎРТА АСРДАВРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

1. Қуръони Каримда акс эттирилган иқтисодий ғоялар –бу:

- А) деҳқончилик ва хунармандчилик билан шуғулланиш;
- Б) жамият ҳаётида моддий эҳтиёжларнинг аҳамияти;
- В) хусусий мулкнинг муқаддаслиги;
- Г) жамият тенгсизлиги азалдан деб кўрсатиб бериши;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

2. Марказий Осиёда яшаб ўтган қайси мутафаккирлар асарларида иқтисодий ғоялар ўз аксини топган:

- А) Фаробий, Ибн Сино;
- Б) А.Навойи, М.Улуғбек;
- В) А.Беруний, З.Бобур;
- Г) Юқоридагиларнинг барчасининг асарларида;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

3.Ибн Сино илгари сурган иқтисодий ғоялар.

- А) моддий эҳтиёжлар;
- Б) ижтимоий ишлаб чиқариш;
- В) хунармандчиликни ривожлантириш;
- Г) саноатни ривожлантириш;
- Д) А, Б, В.

4. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик” асарида илгари сурилган ғоялар, бу:

- А) марказлашган давлат тузиш;
- Б) низо ва адоватга барҳам бериш;
- В) касб-хунар эгаллаш, халқ ғамини ейиш;
- Г) адолат ўрнатиш;
- Д) барча жавоблар тўғри.

5. Иқтисодиётни бошқаришда ўзига хос мактаб яратган давлат арбоби –бу:

- А) Форобий;
- Б) Ибн Сино;
- В) Беруний;
- Г) А.Темур;
- Д) М.Улуғбек.

6. А.Темур даврида четдан келтирган товарлар устига қўшиб сотиш рухсат этилган:

- А) 5%;
- Б) 10%;
- В) 15%;
- Г) 20%;
- Д) 25%.

7.А.Темур даврида ерга эгалик қилиш кўринишлари:

- А) 5 хил бўлган;
- Б) 6 хил бўлган;
- В) 7 хил бўлган;
- Г) 8 хил бўлган;
- Д) 9 хил бўлган.

8. “Физиократик” фикрларни илгари сурган Ўрта асрдаги Ўрта Осиё мутафаккирлари:

- А) А.Беруний;
- Б) Ибн Сино;
- В) А.Н.Форобий;
- Г) А.Навоий;
- Д) М.Улуғбек.

9. Илк Канонизм мактаби асосчиси –бу:

- А) А.Блаженный;
- Б) Уатт.Тайлар;
- В) Т.Мюнцер;
- Г) Ф.Аквинский;
- Д) Ферадот.

10. Шаҳарларнинг пайдо бўлиши, хунармандчиликнинг ривожланиши – социал иқтисодий ривожланиш даври боқичларидан бири деб ҳисоблайди:

- А) Ибн Холдун;
- Б) Аквинский;
- В) Аристотель;
- Г) Ибн Сино;
- Д) А.Навоий.

11. “Одил нарх” концепциясига биноан, товар қиймати асосини ташки этади:

- А) сарфли принцип;
- Б) ахлоқий –этник принцип;
- В) сарфли ва ахлоқий этник принцип;
- Г) фойдалилик принципи;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

12. Ф.Аквинскийнинг иқтисодий қарашларига кўра, пул –бу:

- А) умуман фойдасиз товар;
- Б) кишилар ўртасидаги келишув натижаси;
- В) стихияли тарзда келиб чиққан товар;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

13. “Одил нарх тўғрисида”ги таълимотни яратган –бу:

- А) А.Монкретьен;
- Б) Ф.Аквинский;
- В) Г.Брантон;
- Г) Т.Мор;
- Д) У.У.Тейлор.

14. Жамият тараққиётида эҳтиёжларнинг аҳамияти тўғрисидаги ғояни илгари сурган Ўрта Осиё мутафаккири –бу:

- А) Ибн Сино;
- Б) М.Улуғбек;
- В) А.Форобий;
- Г) А.Навоий;
- Д) А.Беруний.

15. “Енглар, ичинглар, ҳадя қилинглар, аммо исроф қилманглар” деб кўрсатма беради:

- А) Ибн Холдун;
- Б) Қуръони Карим;
- В) Амир Темур;
- Г) М.Улуғбек;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри

16. Жамиятнинг ривожланишида иқтисодчи ва давлат арбобларининг ўрни беқиёс эканини кўрсатган мутафаккир –бу:

- А) А.Жомий;
- Б) А.Н.Форобий;
- В) М.Улуғбек;
- Г) А.Навоий;
- Д) Юсуф Хос Хожиб.

3 –мавзу. МЕРКАНТИЛИЗМ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТИ

1. Биринчи кредит банкини ташкил этган меркантилизм вакили, бу:

- А) У.Стаффорд;
- Б) У.Скаруффи;
- В) Ж.Б.Кольбер;
- Г) Ж.Ло;
- Д) Т.Ман.

2. Меркантилизмнинг ривожланиш босқичлари:

- А) 2 та;
- Б) 3 та;
- В) 4 та;
- Г) 5та;
- Д) ўрганилмаган.

3. Илк меркантилизм намояндalари:

- А) Т.Ман, Б.Диванзетти;
- Б) А.Монкретьен, С.Ватевил;
- В) Ж.Калбер, Ж.Ло ;
- Г) У.Стаффорд, Г.Скаруффи;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

4. Меркантилизм таълимотига кўра ички савдо:

- А) ташқи савдодан кўра кам фойда келтиради;
- Б) ташқи савдо билан бир хил фойда келтиради;
- В) бойликни фақат бир субъектдан иккинчисига ўтказди;
- Г) юқоридаги барча жавоблар тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

5. Кейинги меркантилизм вакиллари “актив савдо баланси”га эришиш учун илгари сурган тавсиялар –бу:

- А) ташқи бозорни нисбатан арзон товарлар сотиш йўли билан эгаллаш ва бир мамлакат товарини олиб бошқаларга уни қимматига сотиш;
- Б) қулай савдо ишларини амалга ошириш учун олтин ва кумушни четга чиқариш, мамлакат уларнинг массасини кўпайтириш ва актив савдо балансини сақлаб туриш учун воситачилик қилиш;
- В) мамлакатда актив савдо балансини сақлаган ҳолда, товарлар импортига рухсат этиш;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

6. Ташки савдода ижобий сальдога эришиш учун дастлабки меркантилистлар қандай тадбирларни амалда қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашган?

- А) экспорт қилинадиган товарларга юқори баҳо ўрнатишни;
- Б) ички савдони кенгайтиришни;
- В) товарлар импортини ҳар томонлама чеклашни;
- Г) А ва В;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

7. Меркантилизм концепциясига биноан, бойликнинг манбаи –бу:

- А) хорижий инвестицияларни кўпайтириш;
- Б) экспортнинг импортдан кўп бўлиши;
- В) импортнинг экспортдан кўп бўлиши;
- Г) ишлаб чиқариш соҳаси;
- Д) ички савдонинг ривожланиши.

8. Дастлабки меркантилизмнинг асосий ғояси –бу:

- А) пул баланси ;
- Б) савдо баланси;
- В) товар баланси;
- Г) тавсия бериш;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

9. Меркантилизмнинг ўрганиш предмети, ҳисобланади:

- А) муомала соҳаси;
- Б) ишлаб чиқариш соҳаси;
- В) муомала ва ишлаб чиқариш соҳаси;
- Г) А ва Б;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

10. Кейинги меркантилизмнинг асосий ғояси –бу:

- А) товар баланси;
- Б) савдо баланси;
- В) пул баланси;
- Г) А ва Б;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

11. Меркантилистлар пулнинг қайси назариясини тадқиқ қилган:

- А) миқдорий назарияни;
- Б) номиналистик назариясини;
- В) металлистик назариясини;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

12. Меркантилизм қайси даврнинг иқтисодий фикрларини ва хўжалик сиёсатини акс эттиради:

- А) XIV –XV аср давридаги қарашларни;
- Б) XV –XVII аср давридаги қарашларни;
- В) XVII – XVIII аср давридаги қарашларни;
- Г) XVIII – XIX аср давридаги қарашларни;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

13. Кейинги меркантилизм таълимоти намояндалари –бу:

- А) Т.Ман, Ж.Ло;
- Б) Ж.Б.Кольбер, Мариан;
- В) У.Стаффорд, У.Скаруффи;
- Г) У.Скаруффи, А.Манкретъен;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

14. Ост–Инд. Компанияси раҳбарларидан бири, кейинги ривожланган меркантилизмнинг “классик” вакили:

- А) Т.Ман;
- Б) Ж.Ло;
- В) Г.Скарруфи;
- Г) А.Монкретъен;
- Д) Ж.Б.Кольберс.

15. Ташқи савдо миллат ҳаётининг бош мақсади ва мазмуни деб ҳисоблайди:

- А) Т.Ман;
- Б) А.Монкретъен;
- В) Ж.Ло;
- Г) У.Стаффорд;
- Д) Ж.Б.Кольбер.

16. “Сиёсий иқтисод” атамасининг муаллифи –бу:

- А) Аристотель;
- Б) А.Монкретъен;
- В) А.Смит;
- Г) К.Маркс;
- Д) О.Ойкен.

4 –мавзу. КЛАССИК ИҚТИСОДИЙ МАКТАБНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

1. У.Петтининг иқтисодий муомалага бағишланган асари –бу:

- А) “Солиқлар ва йиғимлар тўғрисида трактат”;
- Б) “Сиёсий арифметика”;
- В) “Сўз донишмандларга”;
- Г) “Ирландиянинг сиёсий анатомияси”;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

2. Англия классик иқтисодий мактабининг асосчиси –бу:

- А) Д.Рикардо;
- Б) Ж.Сэй;
- В) У.Петти;
- Г) Т.Мальтус;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

3. Классик сиёсий иқтисод вужудга келди:

- А) меркантилизмнинг емирилиши даврида;
- Б) мафкуранинг ривожланиши билан;
- В) “тоиндуриал” даврдаги иқтисодиётнинг емирилиши билан;
- Г) юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ .

4. Такрор ишлаб чиқариш назариясини асослаган “Иқтисодий жадвал” асари муаллифи бу:

- А) Ф. Кенэ;
- Б) Ж. Тюрго;
- В) У. Петти;
- Г) А. Смит;
- Д) Д. Рикардо.

5. Иқтисодий фандаги физиократик йўналиш вакилари - бу:

- А) А.Смит;
- Б) А.Тюрго;
- В) У. Петти;
- Г) Д. Рикардо.
- Д) юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри.

6. Классик сиёсий иқтисод вакиллари:

- А) А. Смит;
- Б) А.Тюрго;
- В) У.Петти;
- Г) Д.Рикардо;
- Д) юқоридагиларнинг барчасини кўрсатиб берди .

7. Классик сиёсий иқтисодиётнинг ўрганиш предмети - бу:

- А) муомала соҳаси;
- Б) ишлаб чиқариш соҳаси;
- В) муомала соҳаси ва ишлаб чиқариш соҳаси биргаликда;
- Г) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

8. Классик сиёсий иқтисоднинг устувор иқтисодий таҳлил методи - бу:

- А) эмпирик метод;
- Б) сабабли алоқа метод;
- В) функционал метод;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб кўрсатилмаган.

9. Классик сиёсий иқтисод таълимотига мувофиқ, ишчининг даромади сифатидаги иш ҳақи интилади:

- А) физиологик минимумга;
- Б) яшаш минимумига;
- В) максимал имконият даражасига;
- Г) ўртача имконият даражасига.
- Д) эҳтиёжни қондиришга.

10. Классик сиёсий иқтисодга мувофиқ, пул – бу:

- А) одамларнинг сунъий ихтироси;
- Б) иқтисодий ўсишнинг муҳим омили;
- В) айирбошлашни осонлаштирувчи техник қурол, ашё;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб кўрсатилмаган.

11. У. Петти “пул”категориясини қайси нуқтаи назардан таҳлил қилди:

- А) номиналистик пул назарияси;
- Б) металлистик пул назарияси;
- В) пулнинг миқдорий назарияси;
- Г) а,б;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

12. У. Петти ва П. Буагильбер асос солган қиймат назарияси аниқланади:

- А) меҳнат сарфлари билан;
- Б) ишлаб чиқариш харажатлари билан;
- В) меъёрли фойдалилик билан;
- Г) ахлоқий-этник принцип билан;
- Д) тўғри жавоб йўқ .

13. Ф.Кенэ таклиф қилган тасниф бўйича фермерлар – бу:

- А) унумли синф;
- Б) ер эгалари синифи;
- В) унумсиз синф;
- Г) тадбиркорлар синфи;
- Д) бекорчи тўралар синфи.

14. Ф.Кенэ таълимоти бўйича, “соф маҳсулот” яратилади:

- А) савдода;
- Б) қишлоқ хўжалигида;
- В) саноатда;
- Г) қурилишда;
- Д) ундирма саноатда.

15. Жамиятнинг макроиқтисодий таҳлилини илк бор амалга оширган – бу:

- А) А.Смит;
- Б) Д. Рикардо;
- В) Ф.Кенэ;
- Г) Ж. Кейнс;
- Д) М. Фридмен.

16. Биринчи бўлиб капитални асосий ва айланма капиталга, меҳнатни эса унумли ва унумсиз меҳнат турларига ажратган иқтисодчи–бу:

- А) У. Петти;
- Б) Ф. Кенэ;
- В) А. Смит;
- Г) К. Маркс;
- Д) А. Ойкен.

17. А. Тюргонинг кўрсатиб беришича, ҳар қандай бойликнинг ягона манбаи – бу:

А) савдода;

Б) деҳқончилик;

В) ҳунармандчилик;

Г) судхўрлик;

Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

5-мавзу. КЛАССИК ИҚТИСОДИЙ МАКТАБНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

1. А.Смитнинг методологик нуқтаи назарига мувофиқ, шахсий манфаат –бу:

- А) умумий манфаатдан ажралмаган бўлади;
- Б) жамият манфаатидан устун туради;
- В) жамият манфаатига нисбатан иккиламчи;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

2. А.Смитнинг “ кўринмас қўли” – бу:

- А) жамият манфаатлари йўлида давлатнинг иқтисодиётни бошқарув механизми;
- Б) эркин иқтисодиёт шароитида бозор механизмнинг амал қилиши;
- В) ўзбошимчаликка асосланган хўжалик юритиш механизми;
- Г) режага асосланган хўжалик юритиш механизми;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

3. Савдо тузилмасида А.Смит томонидан биринчи ўринга қўйилади:

- А) ички савдо;
- Б) ташқи савдо;
- В) транзитли савдо;
- Г) давлат савдоси;
- Д) ташқи ва ички савдо.

4. А.Смит назариясига мувофиқ, ҳар бир ривожланган жамиятда товар қиймати ташкил топади:

- А) меҳнат сарфларидан;
- Б) меҳнат ва капитал сарфларидан;
- В) даромад суммасидан;
- Г) пул сарфларидан;
- Д) сарф-харажатлардан.

5. А. Смит меҳнатни унумли ҳисоблайди, агар у сарфланган бўлса:

- А) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида;
- Б) моддий ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай тармоғида;
- В) моддий ва номоддий ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай тармоғида;
- Г) ички ва ташқи савдода;
- Д) тўғри жавоб кўрсатилмаган.

6. Капитал тузилишини А.Смит қуйдаги қисимларга ажратади:

- А) дастлабки ва ҳар йили қилинадиган авансларга;
- Б) асосий ва айланма капиталга;
- В) доимий ва ўзгарувчан капиталга;
- Г) а ва б;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

7. Давлатнинг иқтисодиётдаги ролини “тунги қараул”га таққослайди:

- А) Ж.Б.Сэй;
- Б) Т. Мальтус;
- В) Д.Рикардо;
- Г) А.Смит;
- Д) Ж.С.Милл.

8. Қийматни аниқлашда Д.Рикардо асосланади:

- А) меҳнат назариясига;
- Б) харажатлар назариясига;
- В) фойдалилик назариясига;
- Г) пул назариясига;
- Д) а ва г.

9. Д. Рикардо “рента” категориясини талқин қилди:

- А) ердан олинадиган даромад сифатида;
- Б) саноат соҳасидаги фойда сифатида;
- В) ўртача фойда даражасидан ортиқча фермернинг қўшимча даромади сифатида;
- Г) “ер инъоми” сифатида;
- Д) а, в, г.

10. Рикардо фикри бўйича, иш ҳақи пасайиш тенденциясига эга, чунки у:

- А) тадбиркорлар ишчиларнинг меҳнат баҳосини пасайтиради;
- Б) туғилишнинг юқори сурати ортиқча меҳнат таклифини келтириб чиқаради;
- В) машина ва механизмлар ишчи кучини сиқиб чиқаради;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

11. Фойда нормасининг пасайиш тенденциясини, Д. Рикардо фикрича, қуйидаги сабаблар келтириб чиқаради:

- А) капиталнинг бир иш туридан бошқасига оқиб ўтиши;
- Б) “меҳнатнинг бозор баҳоси” даражасининг нисбатини пасайиши;
- В) ер унумдорлигининг пасайиши сабабли ундан олинадиган маҳсулотлар баҳосининг ошиши;
- Г) аҳолининг ўсиш суръати;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси.

12. “Қиёсли устунлик” назарияси асосчиси –бу:

- А) А.Смит;
- Б) Д.Рикардо;
- В) Ж.Б.Сэй;
- Г) Ж.М.Кейнс;
- Д) М. Фридмен.

13. Ж.Б.Сэйнинг “Бозор қонуни”даги асосий қоидалари бу:

- А) таклиф ўзига мос даражада талабни келтириб чиқаради;
- Б) баҳо, иш ҳақи ва фоиз ставкаси мутлақо мослашувчан, ҳисобланади;
- В) иқтисодий инқирозлар бўлмайди, негаки уларнинг вужудга келиши вақтинча ва ўткинчи характерга эга;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

14. Қайси иқтисодчининг таълимоти вужудга келиши билан “Сей қонуни” ўз фаоллигини йўқотди:

- А) К.Менгернинг;
- Б) А.Маршаллнинг;
- В) Ж.М.Кейнснинг;
- Г) М.Фридменнинг;
- Д) Ф.Шмалензининг.

15. Т.Мальтуснинг нуфуз назариясига биноан, камбағалликнинг бош сабаби ҳисобланади:

- А) аҳоли сони ўсишининг доимий юқори сурати;
- Б) иш ҳақининг ўзгармас паст даражаси;
- В) “тупроқ унумдорлигининг пасайиш қонуни”;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

16. Т.Мальтуснинг нуфуз назариясини қатъий инкор этади:

- А) Д.Рикардо;
- Б) Ж.С.Милл;
- В) К.Маркс;
- Г) А.Маршалл;
- Д) С.Сисмонди.

17. Т.Мальтус фикри бўйича, такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги “учинчи шахс” – бу:

- А) жамиятнинг унумсиз қисми;
- Б) ижтимоий маҳсулотни яратиш ва реализация қилишга ёрдам берувчи омиллар;
- В) умумий ортиқча ишлаб чиқаришни олдиндан бартараф қилувчи омиллар;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

18. Социализмнинг назарий-методологик муаммоларини кўриб чиқишга жазм қилган биринчи классик сиёсий-иқтисод муаллифи:

- А) А.Смит;
- Б) Ж.С.Милл;
- В) К.Маркс;
- Г) Т.Мальтус;
- Д) б ва в.

6-мавзу. КЛАССИК ИҚТИСОДИЙ МАКТАБИНИНГ ЯҚУНЛАНИШИ

1. Ж.С.Миллнинг ислохотлар концепциясида тавсия этилади:

- А) тақсимот қонунларини ўзгартириш;
- Б) кооператив бирлашмалар ёрдамида ёлланма меҳнатни тугатиш;
- В) жамиятнинг ҳар бир аъзосига даромад олиб келишда қатнашиш учун хусусий мулкчилик тизимини яхшилаш;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

2. “Капитал” категориясини эксплуатация воситаси ва ўз-ўзидан ўсувчи қиймат сифатида таърифланган ягона классик сиёсий иқтисод вакили–бу:

- А) А.Смит;
- Б) Ж.Б.Сэй;
- В) К.Маркс;
- Г) Ф.Кенэ;
- Д) М.Фридмен.

3. Ж.С.Милл фикри бўйича, капитал – бу:

- А) қимматбаҳо гавҳарлар, тошу–дурлар;
- Б) жамғариш натижасида вужудга келадиган меҳнат маҳсулотлари захираси;
- В) алмашув қийматига эга бўлган неъматлар;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.
- Д) тўғри жавоб йўқ.

4. Ж.С.Милл фикри бўйича, бойлик – бу:

- А) хизматлар;
- Б) алмашув қийматига эга бўлган неъматлар;
- В) захирадаги нарсалар;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.
- Д) тўғри жавоб йўқ.

5. Ж.С.Милл пулни таҳлил қилишда асосланади:

- А) металлистик назариясига;
- Б) номиналистик назарияга;
- В) миқдорий назарияга;
- Г) юқоридагиларнинг барчасига;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

6. Товар қийматининг пулдаги ифодасини баҳо, деб ҳисоблайди:

- А) А.Смит;
- Б) Т.Мальтус;
- В) Ж.С.Милл;
- Г) К.Маркс;
- Д) в ва г.

7. К. Маркс фикри бўйича, фойда нормасининг пасайиш тенденциясини қуйидаги сабаблар келтириб чиқаради:

- А) капиталнинг бир иш туридан бошқасига оқиб ўтиши;
- Б) капитал тузилишида ўзгарувчи капитал ҳиссасининг камайиши;
- В) капитал тузилишида доимий капитал ҳиссасининг ошиб бориши;
- Г) а, б ва в;
- Д) тўғри жавоб йўқ;

8. К.Маркснинг такрор ишлаб чиқариш назариясида асослаб берилган қоидалар – бу:

- А) “йиллик маҳсулот” қиймати билан бир йилда яратиладиган даромадларнинг айнан ўхшашлиги;
- Б) оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш турларининг фарқи;
- В) тўйиб истеъмол қилмаслик иқтисодий инқирозлар докторинасининг асоссизлиги;
- Г) капитализмда иқтисодий инқирозларнинг тасодифийлиги;
- Д) б ва в.

9. Товарда мужассамлашган меҳнатнинг икки ёқлама характер тўғрисидаги таълимот муаллифи – бу:

- А) К.Маркс;
- Б) А.Смит;
- В) Д.Рикардо;
- Г) Т.Мальтус;
- Д) Ж.С.Милл.

10. К.Маркс бўйича, қўшимча қийматни яратади:

- А) ўзгарувчи капитал;
- Б) доимий капитал;
- В) барча ишлаб чиқариш омиллари;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

11. К.Маркс бўйича, иш ҳақи – бу:

- А) меҳнат баҳоси;
- Б) ишчи кучи қиймати;
- В) ишчининг яшаш воситалари қиймати;
- Г) ишчи кучи қийматининг ўзгарган қиймати;
- Д) б,в,г.

12. Капитални асосий айланма, доимий ва ўзгарувчан турларига бўлиб, кўрсатган – бу:

- А) А.Смит;
- Б) Д.Рикардо;
- В) Ж.С.Милл;
- Г) К.Маркс;
- Д) А.Маршалл.

13. Капитализмда фойда нормасининг пасайиши қонунини шакллантирган иқтисодчи – бу:

- А) А.Смит;
- Б) Д. Рикардо;
- В) Ж.С.Милл;
- Г) К. Маркс;
- Д) А. Маршалл.

14. К.Маркс фикри бўйича, қайси ишлаб чиқариш омили ҳисобига капитал кўпаяди:

- А) ишлаб чиқариш воситалари;
- Б) меҳнат предметлари;
- В) меҳнат воситалари;
- Г) ишчи кучи;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси.

15. Доимий капитал тушунчасини иқтисодий фанга киритган иқтисодчи – бу:

- А) А.Смит;
- Б) Ф.Кенэ;
- В) К.Маркс,
- Г) А.Маршалл;
- Д) Ж.М.Кейнс.

7-мавзу. МАРЖИНАЛИЗМ. ЯНГИ КЛАССИК ВАЗИЯТ

1. Маржинализм назарияси тўғрисида илк фикрларни илгари сурган муаллифлар – бу:

- А) К. Менгер;
- Б) Л. Вельрас;
- В) С. Жевонс;
- Г) юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

2. Маржинализм субъектив психологик мактаби вакилларининг таълимотига кўра, қиймат аниқланади:

- А) қийматнинг меҳнат назарияси билан;
- Б) ишлаб чиқариш харажатлари назарияси билан;
- В) меъёрий фойдалилик назарияси билан;
- Г) юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

3. Субъектив психологик йўналиш вакиллари учун характерли бўлиб ҳисобланади:

- А) истеъмол соҳасидаги муносабатлар;
- Б) ишлаб чиқариш муносабатлар;
- В) инсон ва буюм ўртасидаги муносабатлар;
- Г) ноишлаб чиқариш муносабатлари;
- Д) юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри.

4. “Эластиклик талаб” тушунчасини биринчи бўлиб илмий оборотга киритган –бу:

- А) А. Паретто;
- Б) Б. Леонтьев;
- В) Л. Вальрас;
- Г) У. Жевонс;
- Д) А. Курно.

5. Маржинализм иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда асосланади:

- А) умумий иқтисодий миқдорга;
- Б) ўртача иқтисодий миқдорга;
- В) меъёрли иқтисодий миқдорга;
- Г) юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

6. Меъёрий фойдалилик назарияси вакиллари иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни таҳлил қилишда асосий эътиборни қаратади;

- А) истеъмол соҳасига;
- Б) ишлаб чиқариш соҳасига;
- В) ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳасига;
- Г) юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

7. Маржиналистлар ишлатган асосий терминлар:

- А) меъёрли фойдалилик;
- Б) қиймат;
- В) унумдорлилик;
- Г) товар;
- Д) юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри;

8. Иқтисодий фандаги неоклассик йўналишнинг тадқиқот предмети, ҳисобланади:

- А) ишлаб чиқариш соҳаси;
- Б) муомала соҳаси;
- В) ишлаб чиқариш ва муомала соҳаси;
- Г) юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

9. Лозанна мактаби вакиллари:

- А) К.Менгер, У.Жевонс;
- Б) Ф.Визер, Б.Баверк;
- В) Г.Кассел, Г.Госсен;
- Г) Л.Мизес, Ф.Хайек;
- Д) Л.Вальрас, В.Парето.

10. Замонавий микроиқтисодий таҳлил асосчиси, ҳисобланади:

- А) К.Менгер;
- Б) А.Маршалл;
- В) Ф.Визер;
- Г) Л.Мизес;
- Д) Г.Леон.

11. А.Маршалл фикрича, ишлаб чиқариш харажатлари принциплари ва меъёрли фойдалилик – бу:

- А) харажат ва қийматнинг ўхшашлаги;
- Б) харажат ва қийматнинг ўзига хослиги;
- В) талаб ва таклифнинг таркибий қисми;
- Г) юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

13. Неоклассик оқим намояндалари – бу:

- А) А.Маршалл, А.Пигу, Ж.Кларк;
- Б) В.Перето, К.Маркс, Л.Вальрас;
- В) В.Петти, П.Буагтлбер, А.Смит;
- Г) А.Смит, А.Маршалл, Ж.Кларк;
- Д) Д.Кейнс, М.Фридмен, П. Самуэльсон.

14. “Меъёрли” тушунчасини иқтисодий фанга киритган маржинализм вакили:

- А) Г.Госси;
- Б) У.Жевонс;
- В) Л.Вальрас;
- Г) В.Парето;
- Д) К.Менгер.

15. Неоклассик йўналишининг етакчи вакили, “кембридж” мактаби асосчиси –бу:

- А) М. Кейнс;
- Б) Ж. Кларк;
- В) А. Маршалл;
- Г) Б. Баверк;
- Д) Ф. Дефуа.

16.Маржинализмнинг “Америка мактаби” вакили – бу:

- А) А. Маршалл;
- Б) Ж. Кларк;
- В) Д. Кейнс;
- Г) Т. Веблен;
- Д) С. Брю.

17. А.Маршалл, товар қийматини ифодалаш асосланади:

- А) меҳнат назарияси;
- Б) харажатлар назариясига;
- В) меъёрли фойдалилик назариясига;
- Г) меъёрли фойдалилик ва меъёрли харажатлар назариясига;
- Д) тўғри жавоб кўрсатилмаган.

8-мавзу. КЕЙНСЧИЛИК ВА ЯНГИ КЕЙНСЧИЛИК ТАЪЛИМОТИ

1. Ж.Кейнсни машхур қилган асосий асар – бу:

- А) “Индекс услуби”;
- Б) “Уруш харажатларини қандай қоплаш мумкин”;
- В) “Пул тўғрисидаги рисола”;
- Г) “Эркин тадбиркорликнинг интиҳоси”;
- Д) “Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси”.

2. Иқтисодий фанга Ж.Кейнс киритган термин ва категориялар:

- А) ялпи талаб;
- Б) асосий психологик қонун;
- В) ялпи таклиф,
- Г) истеъмолга бўлган меъёрли мойиллик;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

3. АҚШда Кейнс таълимоти ғояларини ривожлантирганларни қуйидаги қайси ном билан аташади:

- А) императив кейнсчилик;
- Б) ортодоксал кейнсчилик;
- В) дикатив кейнсчилик;
- Г) акселератор кейнсчилик;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

4. Кейнсча мултипликатор тушунчаси – бу:

- А) инвестиция ўсишининг даромад ўсишига бўлган нисбати;
- Б) даромад ўсишининг инвестиция ўсишига бўлган нисбати;
- В) даромад ўсиши билан инвестиция ўсишининг йиғиндиси;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб кўрсатилмаган.

5. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви зарурлигини исботлаб берган иқтисодчи – бу:

- А) М. Фридмен;
- Б) Ж. Кейнс;
- В) А. Маршалл;
- Г) П. Самуэльсон;
- Д) В. Леонтьев.

6. Ж.Кейнс назариясига, мувофиқ жамғармалар инвестициялардан ошиши мумкин, агар:

- А) фоиз ставкаси даражаси ошса;
- Б) узоқ вақт иқтисодиётда ортиқча ишлаб чиқариш ва ишсизлик мавжуд бўлса;
- В) “Сэй қонуни” амал қилмаса;
- Г) иқтисодиётда ортиқча ишлаб чиқариш ва ишсизлик бўлмаса;
- Д) тўғри жавоб кўрсатилмаган.

7. Ж.М.Кейнс фикрича, мамлакатдаги истеъмол харажатлари хажми, энг аввало, боғлиқ бўлади:

- А) истеъмолчининг яшаш жойига;
- Б) пул таклифининг ўсиш суръатига;
- В) миллий даромад даражасига;
- Г) эгалик қиладиган даромадлар даражасига;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

8. Ж.Кейнс таълимотига мувофиқ даромадларнинг ошиб бориши билан жамғармага бўлган мойиллик:

- А) ошиб боради;
- Б) пасайиб боради;
- В) ўзгаришсиз қолади;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб кўрсатилмаган.

9. Ж.Кейнс кўрсатиб берган “инфляция солиғи”га кўра:

- А) пул қадрсизланганда унинг эгаси ўз жамғармаси қийматининг бир қисмини йўқотади;
- Б) пул жамғармаси қиймати ошади;
- В) жамғармага бўлган мойиллик кучаяди;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.
- Д) тўғри жавоб кўрсатилмаган.

10. 1929-1933 йиллардаги “Буюк турғунлик” даври қайси иқтисодий мактабнинг инқирозга юз тутишига олиб келди:

- А) Физиократлар;
- Б) Меркантилистлар;
- В) Каннонистлар;
- Г) Классик;
- Д) тўғри жавоб кўрсатилмаган.

11. “Кейнсча истиқбол”нинг моҳиятига кўра:

- А) бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартиблаб туради;
- Б) иқтисодиётни тартиблашда давлатнинг аралашуви зарур;
- В) иқтисодиётни тартиблашда давлатни аралашмаслиги зарур;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.
- Д) тўғри жавоб кўрсатилмаган.

12. XX асрнинг бошларида иқтисодиётни макроиқтисодий таҳлил этишда буюк инқилобий тўнгариш ясаган Кейнс асари – бу:

- А) “Иқтисодий инқироздан чиқиш йўллари”;
- Б) “Мультипликация жараёни назарияси”;
- В) “Фаровонлик – барча учун”;
- Г) “Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси”;
- Д) “Эркин тадбиркорликнинг интиҳоси”.

13. Кейнс бўйича ялпи талабнинг етишмаслигини келтириб чиқарувчи сабаблар:

- А) юқори фоиз даражаси;
- Б) аҳолининг истеъмоли ўсиши, унинг даромади ўсишидан орқада қолиб кетиши;
- В) ликвидликнинг афзаллиги;
- Г) капиталдан келадиган фойда нормасининг пастлиги;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси.

14. Иқтисодий ўсиш назариясини ишлаб чиққан кейнсчилик вакиллари:

- А) Е.Домар ва Р.Харрод;
- Б) А.Пигу ва Г.Скарруфи;
- В) Ж.Милл ва Ж.Кейнс;
- Г) И.Фишер ва Ш.Малензи;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

15. Аксилератор тушунчаси – бу:

- А) Инвестиция ўсишининг даромад ўсишига бўлган нисбати;
- Б) Даромад ўсишининг инвестиция ўсишига бўлган нисбати;
- В) Даромад ўсиши билан инвестиция кўпайишининг йиғиндиси;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

9-мавзу. МОНЕТАРИЗМ

1. Иқтисодий ўсишни таъминлаш ва тартибга солишнинг асосий воситаси пул деб – тасдиқловчи назария:

- А) кейнсчилик;
- Б) монетаризм;
- В) институционализм;
- Г) либерализм;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

2. Монетаризм асосчиси –бу:

- А) Ж.Кейнс;
- Б) М.Фридмен;
- В) П.Самуэльсон;
- Г) И.Фишер;
- Д) А.Пигу.

3. Монетаризм назариясининг қўллаш мумкин:

- А) ривожланган мамлакатларда;
- Б) ривожланаётган мамлакатларда;
- В) режали иқтисодиётда;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб кўрсатилмаган.

4. Фридмен формуласига кўра, ҳар йилги қўшимча пул таклифини келтириб чиқарувчи омиллар:

- А) ЯИМ ўртача йиллик ўсиш суръати;
- Б) инфляция кутилишининг ўртача йиллик суръати;
- В) миллий даромаднинг ўртача йиллик ўсиш суръати;
- Г) ишсизликнинг ўртача йиллик ўсиш суръати;
- Д) а, в.

5. М.Фридмен концепцияси бўйича иқтисодиётга фаол таъсир этувчи дастак – бу:

- А) бюджет сиёсати;
- Б) солиқ сиёсати;
- В) пул-кредит сиёсати;
- Г) кредит сиёсати;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

6. М.Фридмен концепциясидаги асосий қоидалар – бу:

- А) солиқ тизимини яхшилаш;
- Б) кредит тизимининг эластиклиги;
- В) пул омилининг муҳимлиги;
- Г) бозор ҳўжалигининг барқарорлигини тан олиш;
- Д) в, г.

7. М.Фридмен бўйича ҳар йили пул массасининг неча фоиз ўсиши оптимал ҳисобланади:

- А) 2%;
- Б) 4%;
- В) 6%;
- Г) 8%;
- Д) 10%.

8. Кейнс таълимотига қарши Фридмен фойдаланган категориялар:

- А) ЯИМ, пул;
- Б) рента,фоиз;
- В) инвестиция, фойда;
- Г) қиймат, фойдалилик;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

9. Пул массаси билан номинал ЯИМ ўртасида ўзаро боғлиқлик бор деб тасдиқловчи назария:

- А) кейнсчилик;
- Б) неолиберализм;
- В) институционализм;
- Г) маржинализм;
- Д) монетаризм

10. Монетаризм концепцияси бўйича иқтисодий ўсишнинг асосий шартлари – бу:

- А) пулни барқарорлигини таъминлаш;
- Б) иқтисодий мувозанатга эришиш;
- В) инфляцияни жilовлаш ва пулни соғломлаштириш;
- Г) давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

11. Фридмен бўйича 7% ишсизлик қандай ишсизлик турига киради:

- А) мажбурий;
- Б) структурали;
- В) цикли;
- Г) табиий;
- Д) яширин.

12. Монетар концепция вакиллари асосий ҳисоблаган принциплар:

- А) пул омилининг муҳимлиги;
- Б) пул омилининг муҳим эмаслиги;
- В) макроиктисодий таҳлил;
- Г) юқоридаги жавобларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

10-мавзу: ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМ

1. Институционализмнинг ривожланиши босқичлари:

- А) икки;
- Б) уч;
- В) тўрт
- Г) беш
- Д) тўғри жавоб кўрсатилмаган.

2. Институционализм ватани:

- А) АҚШ;
- Б) Германия;
- В) Франция;
- Г) Англия;
- Д) тўғри жавоб йўқ;

3. Ижтимоий- психологик интитуционализмнинг асосчиси бу:

- А) Р.Коммонс;
- Б) Т.Веблен;
- В) У.Митчелл;
- Г) Ж.Гелбрейт;
- Д) Ж.Коммонс;

4. Институционализм таълимотига кўра ижтимоий ривожланишнинг харакатлантирувчи кучи сифатидаги институтлар тушунчасига киради:

- А) оила ;
- Б) давлат;
- В) касаба уюшмалари;
- Г) монполиялар;
- Д) юкоридагиларнинг барчаси тўғри.

5. Институционализмнинг қайси вакиллари давлатнинг иқтисодиётни тартиблаши зарурлигини химоя қилади:

- А) Т.Виблин;
- Б) Ж.Коммонс;
- В) У.Митчелл;
- Г) юкоридагиларни барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

6. Институционализм маълум маънода қайси иқтисодий йўналишига муқобил ҳисобланади:

- А) Неолиберализмга;
- Б) Кейнсчиликка;
- В) Маржинализмга;
- Г) Неоклассикка;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

7. Институционализмнинг вужудга келиш сабаби:

- А) ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви;
- Б) капиталнинг марказлашуви;
- В) уй хўжалиги даромадларининг кескин табақалашуви;
- Г) социал тўқнашувларнинг кучайиши;
- Д) юқоридагиларни барчаси тўғри.

8. Институционализм йўналишининг дастлабки кўринишлари Т.Вебленнинг қайси асарида изоҳлаб берилган.

- А) “Капитализмнинг ҳуқуқий асослари”;
- Б) “Институционал иқтисодиёт”;
- В) “Учинчи тўлқин”;
- Г) “Бекорчи синфлар”;
- Д) “Бешинчи тўлқин”.

9. Р. Коммонс қайси институционализм йўналишининг асосий вакили ҳисобланади.

- А) ижтимоий-ҳуқуқий;
- Б) ижтимоий-психологик;
- В) диний-эмпирик;
- Г) янги институционализм;
- Д) юқоридагиларни барчаси тўғри.

10. К.Гелбрейтнинг асосий асарлари-бу:

- А) “Янги индустриал жамият”;
- Б) “Иқтисодий назариялар ва жамият мақсадлари”;
- В) “Пуллар ва фоизлар”;
- Г) А, Б ва В;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

11. “Ордолиберализм” концепцияси ишлаб чиқилди:

- А) Т.Веблен томонидан;
- Б) В.Ойкен томонидан;
- В) Ф.Лист томонидан;
- Г) Л.Эрхард томонидан;
- Д) В.Редке томонидан.

12. Институционализмнинг ўз олдига қўйган вазифалари.

- А) монополистик капитализмнинг жамиятга келтирган зарарини кўрсатиб бериш;
- Б) ўртача синфни ҳимоя қилиш концепциясини ишлаб чиқиш;
- В) Капитализмни ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- Г) Иқтисодиётни давлат тартиблашининг зарурлигини исботлаб бериш;
- Д) Юқоридаги барча жавоблар тўғри.

13. Т.Веблен капитализм нуқсони деб ҳисоблайди.

- А) ҳуқуқий нормаларнинг такомиллашмагани;
- Б) ғирром рақобатни;
- В) хусусий мулкчиликни;
- Г) индустрия билан бизнес ўртасидаги зиддиятни;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

14. Институционализмнинг технократик вакиллари - бу:

- А) Ж.Кларк;
- Б) Ж.Гелбрейт;
- В) Ж.Коммонс;
- Г) Ж.Робинсон;
- Д) Т.Веблен.

15. Иқтисодиётни ўрганишда математика ва статистикани кенг қўллаш йўли билан “Кичик ва катта цикллар” давомийлигини ҳисоблаб чиққан иқтисодчи – бу:

- А) Л.Вальрас;
- Б) У.Митчелл;
- В) Н.Кондратъев;
- Г) Т.Веблен;
- Д) Ж.Гелбрейт.

16. Ж.Коммонс ғоясига кўра қиммат(қиймат) шаклланади:

- А) меҳнат ва капитал сарфларига асосан;
- Б) талаб ва таклифга асосан;
- В) ишлаб чиқариш харажатларига асосан;
- Г) фойдалилик асосида;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

17. Митчел қуйидаги қайси институционализм йўналишини дастлабки вакили ҳисобланади.

- А) социал - психологик;
- Б) социал - ҳуқуқий;
- В) статистик;
- Г) математик;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

- 18. Институционализмнинг “Лондон мактаби” асосчиси ҳисобланади:**
- А) Ж.Кейнс;
 - Б) А.Маршалл;
 - В) М.Фридмен;
 - Г) Ф.Хайек;
 - Д) Л. Эрхард.

11–мавзу: НЕОЛИБЕРАЛИЗМ ВА ИЖТИМОИЙ ЙЎНАЛТИРИЛГАН БОЗОР ХЎЖАЛИГИ

1. Неолиберализм иқтисодий йўналишининг асосий вакиллари –бу:

- А) В. Ойкен;
- Б) Ж.Рюэфф;
- В) М.Алле;
- Г) Л.Мизес;
- Д) юкоридагиларни барчаси тўғри.

2. Неолиберализм йўналиши мактаблари шаклланган мамлакатлар:

- А) Германия, Англия;
- Б) Франция, Италия;
- В) Швеция, Норвегия;
- Г) Япония, Корея;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

3. Ижтимоий бозор хўжалиги тушунчасини илк бор муомалага киритган-бу:

- А) Л.Эрхард;
- Б) М.Алле;
- В) В.Ойкен;
- Г) Ф.Хайек;
- Д) Мюллер-Армак.

4. Иқтисодий фандаги неолиберал йўналишининг радикал гуруҳи отаси ҳисобланади:

- А) В.Ойкен;
- Б) Т.Веблен;
- В) А.Маршалл;
- Г) Ф.Хайек;
- Д) В.Репке.

5. Ф.Хайек куйидаги қайси неолиберал мактаби вакили ҳисобланади:

- А) “Лондон мактаби”;
- Б) “Чикаго мактаби”;
- В) “Фрайбург мактаби”;
- Г) “Стокгольм мактаби”;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

6. Людвиг Эрхарднинг асосий иқтисодий ғоялари илгари сурилган асари:

- А) “Либерализм”;
- Б) “Иқтисодий фан ва методология очерклари”;
- В) “Экономикс”;
- Г) “Барча учун фаровонлик”;
- Д) “Инсоний ҳаракат, иқтисодиёт тўғрисидаги трактат”.

7. “Ордолиберализм” концепциясини шакллантирган:

- А) А.Эркард;
- Б) Ф.Лист;
- В) В.Ойкен;
- Г) Т.Веблен;
- Д) К.Гелбрейт.

8. Неолиберализм давлатнинг иқтисодиётга аралашувини:

- А) қўллаб-қуватлайди;
- Б) қўллаб-қуватламайди;
- В) қатъий инкор этади;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

9. Неолиберализм “Лондон мактаби” вакили ҳисобланади:

- А) М.Фридмен;
- Б) Ж. Кейнс;
- В) Ф. Хайк;
- Г) Р.Эрхард;
- Д) Т.Веблен.

10. В. Ойкен бўйича, қайси бир хўжалик тури идеал ҳисобланади:

- А) марказий бошқарув хўжалиги;
- Б) эркин бозор хўжалиги;
- В) аралаш (реал) хўжалик;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

11. “Қулликка йўл” иқтисодий-фалсафий асар муаллифи, нобель мукофоти соҳиби, бу:

- А) К.Менгер;
- Б) Ж.Гелбрейт;
- В) Ф.Хайек;
- Г) П.Самуэльсон;
- Д) М.Фридмен.

12. Германияда давлат иқтисодий сиёсати даражасига кўтарилган концепция – бу:

- А) Рационал кутилмалар;
- Б) “Липпман коллоквиуми”;
- В) Ижтимоий бозор хўжалиги;
- Г) Монетаризм;
- Д) “Расмийлашган жамият”.

13. Немис сиёсий ва давлат арбоби Л.Эрхаднинг иқтисодий таълимотидаги асосий қоидалар – бу:

- А) эркин баҳоларнинг зарурлиги;
- Б) талаб ва таклифнинг мувозанати;
- В) иқтисодий мувозанат;
- Г) эркин рақобат;
- Д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри.

16. Неолиберализмнинг “Лондон мактаби” вавакиллари ҳисобланади:

- А) Л.Эрхард;
- Б) Ж.Гелбрейт;
- В) Ф.Хайек;
- Г) М.Фридмен;
- Д) А.Маршалл.

12-мавзу. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ НАЗАРИЯЛАРИ ВА МОДЕЛЛАРИ

1. Иқтисодий ўсишнинг бир омилли модели асосчилари – бу:

- А) Солоу – Мид;
- Б) Кейнс – Харрод;
- В) Денисон – Солоу;
- Г) Харрод – Домар;
- Д) Ростоу – Мид.

2. Харрод – Домарнинг иқтисодий ўсиш тенгламаси ифодаланади:

- А) $C=K/Y$ кўринишида;
- Б) $S=S/Y$ кўринишида;
- В) $G=S:C$ кўринишида;
- Г) $Yt=G \times K$ кўринишида;
- Д) $S=K|Y$ кўринишида

3. Инвестициялар динамикаси таҳлиliga асосланган цикллар назариясини ишлаб чиққан иқтисодчи – бу:

- А) Э.Хансен;
- Б) Р.Харрод;
- В) Е.Домар;
- Г) Ф.Хайек;
- Д) П.Дуглас.

4. Кобб – Дуглас ишлаб чиққан иқтисодий ўсиш моделини ифодалаш мумкин:

- А) $Y=F(LK)$ кўринишида;
- Б) $F=SL * C$ кўринишида;
- В) $Y=A * K$ кўринишида;
- Г) $Ir=S * K$ кўринишида;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

6. Қуйидагилардан “харажатлар – ишлаб чиқариш” модели асосчиси номини аниқланг?

- А) Ч. Кобб;
- Б) М.Фридмен;
- В) В. Кондратьев;
- Г) В.Леонтьев;
- Д) Л.Мид.

7. Иқтисодий ўсиш моделини ишлаб чиққан янги кейнсчилик вакиллари:

- А) Р.Хоррод, Е.Домар;
- Б) Э.Хансен, Ф.Хайек;
- В) Х. Кобб, П.Дуглас;
- Г) юқоридагиларнинг барчаси тўғри;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

8. Р.Солоу томонидан яратилган модел ҳозирги замон иқтисодий фанида қуйидаги қайси ном билан аталади:

- А) истеъмолнинг жамғарилиши;
- Б) жамғарманинг олтин қоидаси;
- В) альтернатив комбинациялар;
- Г) субъектив мойиллик;
- Д) солоуча мойиллик.

9. Икки омилли иқтисодий ўсиш модели муаллифлари – бу:

- А) Харрорд –Домар;
- Б) Э.Хансин;
- В) Кобб –Дуглас;
- Г) Солоу;
- Д) тўғри жавоб йўқ.

“Иқтисодий таълимотлар тарихи” фанидан жорий, оралиқ ва якуний назорат учун тавсия этиладиган саволлар.

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон – иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” асаридаги асосий иқтисодий ғоялар.
2. И.А.Каримов “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” асаридаги асосий иқтисодий ғоялар.
3. Иқтисодий фикрларнинг вужудга келиши.
4. Ҳозирги замон иқтисодий фандаги асосий оқим ва йўналишлар.
5. Иқтисодий таълимотлар тарихи фанининг предмети.
6. Ҳозирги даврда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш зарурлиги.
7. Иқтисодий таълимотлар тарихининг И.А.Каримов асарларида ривожлантирилиши ва бойитилиши.
8. Иқтисодий таълимотлар тарихининг Ўзбекистон Республикаси ижтимоий –иқтисодий ривожланиши муаммоларини билиш ва ҳал этишдаги аҳамияти.
9. Қадимги Хитойдаги иқтисодий қарашлар.
10. Қадимги Римдаги иқтисодий қарашлар.
11. Меркантилизм иқтисодий таълимоти ва унинг ижобий ва салбий томонлари.
12. Классик иқтисодий мактабнинг иқтисодий фан тарихидаги ўрни ва унинг аҳамияти.
13. “Артхашастра” бошқарув ва бойлик тўғрисидаги асар.
14. Аристотелнинг экономика ва хрематистика тўғрисидаги ғоялари.
15. Кейнснинг иқтисодиётни давлат тартиблаши ғояси.
16. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли.
17. Қадимги Шарқда иқтисодий қарашлар.
18. У.Петти – инглиз сиёсий иқтисодининг –асосчиси.
19. А.Смитнинг “кўринмас қўли”.
20. Янги Кейнсчиликда Ж.Хикс ва Х.Хансен қарашлари.
21. А.Форобийнинг иқтисодий қарашлари.
22. Д.Рикардонинг ер рентаси назарияси.
23. Иқтисодий фандаги институционализм оқими.
24. Платоннинг идеал давлат тўғрисидаги ғоялари.
25. Маржинализм таълимоти ўзига хос хусусиятлари.
26. Физиократлар таълимоти.
27. Монетар назария ва унинг ҳозирги замон иқтисодий фандаги тутган ўрни.
28. Ж.Б.Сэйнинг “Ишлаб чиқаришнинг уч омили” назарияси.
29. А.Маршаллнинг – қиймат (қиммат) назарияси.
30. Монетаризм: пул –барқарорлик омили.
31. Монетаризм ва кейнсчилик.
32. И.Фридменнинг пул қондаси.
33. Янги кейнсчиликнинг акселератор назарияси.

34. Классик сиёсий иқтисоднинг вужудга келиши.
35. А.Маршаллнинг талаб ва таклиф назарияси.
36. Смит: қийматнинг шаклланишига бўлган икки хил ёндашув.
37. А.Смитнинг “унумли ва унумсиз меҳнат” назарияси.
38. Австрия мактаби вакилларининг асосий ғоялари.
39. Т.Веблен: “Институтлар –иқтисодий хатти –ҳаракат асосидир”.
40. Д.Рикардонинг қиймат назарияси.
41. Кейнснинг ялпи талаб назарияси.
42. Ф.Кенэнинг “Соф маҳсулот” назарияси.
43. Ж.Сэйнинг “бозор қонуни”.
44. Янги классик синтез.
45. Ибн Синонинг қарашлари.
46. Т.Мальтуснинг “нуфуз қонуни”.
47. К.Маркснинг “қиймат назарияси”.
48. Ибн Холдуннинг иқтисодий қарашлари.
49. Ф.Кенэнинг “Иқтисодий жадвали”.
50. А.Тюргонинг иқтисодий ислохатлари.
51. А.Темурнинг иқтисодий қарашлари.
52. Ж.Коммонс: институционализмнинг ҳуқуқий асослари.
53. Ж.Кейнснинг “Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” асаридаги асосий ғоялар.
54. А.Навоийнинг иқтисодий ғоялари.
55. Маркснинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш схемаси.
56. У.Митчел: иқтисодий цикл муаммоси.
57. Фома Аквинский “Одил нарх” ва бойлик тўғрисида.
58. Ж.С.Миллнинг “Пул, кредит ва савдо инқирози” назариялари.
59. А.Маршалл: “қайчининг икки тиғи”.
60. “Авесто”даги иқтисодий фикрлар.
61. “Ордолиберализм” назарияси.
62. А.Смит меҳнат тақсимооти тўғрисида.
63. Маржинал инқилоби ва унинг мазмуни.
64. Кейнснинг мультипликатор назарияси.
65. Кейнс: инвестицияни рағбатлантириш асосий муаммо.
66. Д.Рикардо: даромадларни тақсимлаш –асосий муаммо.
67. Ўзбекистонда иқтисодий тафаккурларни ривожлантириш.
68. А.Эрхарднинг иқтисодий ислохотлари.
69. Ж.С.Миллнинг қиймат, баҳо ва пул назарияси.
70. Ж.М.Кейнс асримизнинг буюк иқтисодчиси.
71. “Ижтимоий бозор хўжалиги”нинг моҳияти.
72. А.Смитнинг “Одамлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот” асаридаги асосий ғоялар.
73. Монетаризмнинг пулга бўлган талаб ва таклиф назарияси.
74. Маржинализм ва меъёрли фойдалилик назарияси.
75. Инфляция муаммоси ва макро иқтисодий сиёсат.
76. Ж.Б.Сэй: қиммат манбаи нима?

77. К.Маркснинг қўшимча қиймат назарияси.
78. М.Фридменнинг “монетар назарияси”.
79. Г.Мюрдаль: “Осиё фожиаси”.
80. Антик дунё қарашларининг моҳияти.
81. Адам Смитнинг иқтисодий либерализм ғояси.
82. Янги либерализмнинг умумий характеристикаси.
83. А.Смит ва ҳозирги замон.
84. Ж.Гелбрейтнинг техноструктура назарияси.
85. Институционализм: иқтисодиёт ва социологиянинг ўзаро таъсири.
86. Иқтисодий қарашлар тарихини ўрганиш зарурлиги.
87. В.Ойкен: иқтисодий тартиб назарияси.
88. Ҳозирги замон институционализмнинг ўзига хос хусусиятлари.
89. Т.Веблен –институционализм асосчиси.
90. Ж.К.Гелбрейтнинг “Янги индустриал жамият концепцияси”.
91. Конвергенция концепцияси.
92. Иқтисодий ўсиш ҳақидаги назариялар.
93. Д.Рикардонинг “қиёсий устунлик” назарияси.
94. Кейнснинг истеъмол ва жамғармага бўлган мойиллик назарияси.
95. Харрод.Домар иқтисодий ўсиш модели.
100. Кобб.Дугласнинг икки омил модели.
101. И.Фишернинг айирбошлаш тенгламаси.
102. Инфляцияни бошқариш –замонавий қараш.
103. Монетар рецепт ва Ўзбекистон иқтисодиёти.